

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Алиходжаев Комил Кадирович

Фаргона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Аннотация. Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Жумладан, соҳада қонунийликни таъминлашда прокурорлар эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ушбу йўналишида прокурор назоратини самарали ташкил қилиш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: бандлик, аҳоли бандлигини таъминлаш, прокурор назорати, прокурор назорати предмети, меҳнатга оид ҳуқуқлар

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳолининг тинч-тотувлиги аҳолининг бандлиги таъминланганлигига чамбарчас боғлиқ.

Чунончи, ҳар йили аҳоли сони ошиб бориши сабабли меҳнат бозорига минглаб янги фуқаролар кириб келади, уларни бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва фуқароларни муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар ташкил қилиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, аҳоли билан ишлаш маҳалла даражасигача тушурилди, ҳар бир маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлашга бевосита масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди, аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш ва даромадини ошириш бўйича имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш тизими соддалаштирилди.

Конституциямизнинг 43-моддасига кўра, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Шу нуқтаи назардан аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Соҳада прокурор назорати ҳақида сўз юритишдан аввал, аҳоли бандлиги тўғрисида фикр билдирсак.

Илмий адабиётларда олимлар томонидан аҳоли бандлиги тушунчасига турлича таърифлар берилган.

Хусусан, академик Қ.Абдурахмонов фикрича, “Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва даромад келтирадиган фаолиятдир”¹.

Иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг таъкидлашича, “Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқи бор кишиларни ишга жойлашиб, фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир”².

В.А.Павленковнинг ёзишича, аҳоли бандлиги – бу қонунда белгиланган ёшга етган ва ҳозирги пастда моддий ёки пул шаклида даромадлар олиб келадиган фаолият билан шуғилланувчи фуқаролардир³.

Бизнинг фикримизча, аҳоли бандлиги деганда даромад топиш мақсадида бирор-бир меҳнат билан банд бўлган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий фаолиятини тушуниш керак.

Аҳоли бандлигини таъминлашда мазкур соҳада қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Прокурор назоратининг аҳамияти ҳақида профессор В.Ястребовнинг фикрича, “қонунлар ижроси устидан назорат давлат томонидан у учун жуда муҳим бўлган соҳа – қонунийликни таъминлашда амалга ошириладиган назоратнинг самарали ва изчил шаклидир. Қонунларнинг устуворлигига асосланиб, унга аниқ ва оғишмасдан амал қилиш, шахсни, жамият ва давлатнинг манфаат-ларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг бош ва асосий мақсадидир”⁴.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада очиқлик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаат-ларига хизмат қиладиган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш, ўз назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар копусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликни олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда⁵.

¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). –Т.: Меҳнат. -2009. 512 б.

² Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дасрлик. –Т.: Иқтисод-молия, -2014. -424-б

³ Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. М.: МГУ, 2004. -584 с.

⁴ Ястребов В.Б. Надзор за исполнением законов как основная функция прокуратуры. Проблемы совершенствования прокурорского надзора. Материалы научно-практической конференции. М.: НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1997. –С. 18

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилда Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. President.uz

Конституциянинг 143-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Бош прокурорнинг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғида аҳоли бандлигини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгиланган.

Хусусан, ушбу буйруқнинг 7.3-бандида назорат тадбирларида “Меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан самарали назорат ўрнатилсин. Янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижроси, бу борадаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши аҳволи доимий равишда ўрганиб борилсин” – деб кўрсатма берилган.

Ҳисоботларга кўра, ўтган 2024 йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан назорат тадбирлари давомида аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қонун ҳужжатлари талаб-ларига зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш юзасидан 21 та протест келтирилди, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, келгусида йўл қўймаслик бўйича жойларга 26 та тақдимнома киритилди, 36 нафар шахслар интизомий, 25 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди, шунингдек, 1728 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокурор назоратининг ушбу йўналишининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Аввало соҳада қонунийликни таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий жараён;

- фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бажарилиши, шунингдек, эркин меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган ва ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминловчи назорат соҳаси.

Прокуратура органлари томонидан соҳада қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили аҳоли бандлигини

таъминлашда тизимли қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, **биринчидан**, маҳаллий камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш органлари томонидан ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш бўйича юритилаётган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги таъминланмаган.

Масалан, Фарғона вилоят прокуратураси органлари томонидан 2024 йилда ўтказилган назорат тадбирларида 3 мингдан зиёд ҳақиқатда яратилмаган иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб кўрсатилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланган;

Иккинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида ажратилган бюджет маблағлари (субсидия, грант ва бошқа) тўлақонли равишда мақсадли сарфланмаган.

Чунончи, вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган йилда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ажратилган 1,5 млрд. сўмлик бюджет маблағларининг талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан 13 та жинойт ишлари қўзғатилган;

Учинчидан, зарур касб-хунарга ўқитиш ишлари тизимли ташкил қилинмаган.

Мисол учун, Ўзбекистон туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказида 12 та йўналишнинг 10 таси бўйича (тикувчилик, тўқувчилик, ошпаз-қандолатчи, аёллар сартарошлиги, компьютер оператори, пайвандловчи, меҳмонхона хизматчиси, рус, немис, инглиз тили) касб-хунарга ўқитиш

жараёнлари зарур ўқув дастгоҳларисиз амалга оширилган ҳамда ўқув хоналари ҳам талаб даражасида эмас.

Шунингдек, ўқув жараёнлари тўлақонли сифатли ташкил қилинмаганлиги оқибатида ўқувчилар ўзларига ўқиган йўналишларда бандлиги таъминланмаган.

Хусусан, 2024 йилда Фарғона вилояти бўйича ўқишни тамомлаб, бандлиги таъминланган 4 645 нафар фуқароларнинг 1 486 нафари ёки 32 фоизи ўзлари ўқиган йўналишдан ташқари бошқа мутахассисликда фаолият кўрсатган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларда прокуратура органларига муҳим янги вазифалар юклатилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

Ушбу масалада ҳуқуқшунос олим В.Г.Бессарабовнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Унинг айтишича, қонунлар ижросини

амалга оширишда прокурор назоратининг вазифаларини доимий қилиб белгилаб қўйиб бўлмайди, улар давлат ва жамиятда содир бўладиган иқтисодӣ, ижтимоӣ-сиёсий жараёнлар натижасида ўзгариб туради⁶.

Юқоридаги ҳолатлар ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлашда прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга, тадқиқот мавзусининг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблигини кўрсатиб беради.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка қарши курашишга қаратилган дастурларимиз ижросини изчил ташкил этиш, атроф-муҳит, табиӣ бойликлар ва маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, тиббиёт, таълим каби соҳалардаги ислоҳотларимизни давом эттириш ва бу борада қонун бузилишига муросасиз бўлиш – прокуратура ходимларининг конституциявий бурчи ва энг асосий вазифасидир”⁷.

⁶ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. –С.189-190.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилда Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. President.uz